

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАЪМИНОТИ ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИДА ТЕЗИС

Садинов Маъруфжон Нормумин ўгли

Самарканд давлат чет тилар институти

Нарпай хорижий тиллар факултети тарих фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10004637>

Бухоро хонлигида таълим муассасаларининг таълим тизимидаги муҳим муаммоси, бу, албатта, моддий таъминот масаласи бўлган.” Тизимни ташкил қилиш ва бошқариш қанчалик муҳим масала бўлса, унинг молиявий томонини йўлга қўйиш аҳамияти ундан кам бўлмаган мураккаб ижтимоий жараён эди. Ўқув даргоҳларида юзлаб олимлар дарс ўтган ва минглаб талабалар таълим олган. Уларнинг барчаси илм таҳлилга машғул бўлиши билан бирга кун кечирини ҳам керак эди. Ҳеч замонда қорни нонга тўймаган оч-яланғоч, муҳтож кишининг илмга рағбати бўлганми? Ҳар йили минглаб талабалар Бухоро ўқув даргоҳларини тугатган ва уларнинг ўрнига янгилари келган. Узоқ замонлардан бери тўхтовсиз давом этиб келаётган бу жараёнда илм аҳлининг моддий таъминоти муаммоси қандай ҳал этилган? Қаршимизда иккита асосий қатламдан иборат ижтимоий- иқтисодий тизим намоён бўлди. Улар ҳам ўзига хос ички қонуният ва қурилишдан ташкил топган эди. Биз уларни шартли равишда “вақф мулклари” ва “давлат таъминоти” деб атадик.”¹

“Мадрасаларнинг асосий даромади вақф мулкларидан бўлганлиги учун яхши ҳосил олинмаган йиллари қийналган талабалар ва мударрислар муаммосини ҳал қилиш мақсадида мадрасаларни давлат ҳисобига киритган ва уларга давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Марказларда нафақат бойлар, балки камбағалларнинг болалари ҳам ўқиш ҳуқуқига эга бўлган ва нафақа, кийим- бош билан таъминланган”.²

“Жўйбор хожалари ўз дор-уш- шифоларида (шифохона) ишлаш учун машҳур ва энг яхши ҳақимларни ёллаб, уларга вазифа, мавқеъ ва хизматларига мувофиқ турли миқдорда ҳақ-маош тўлаганлар ёки инъом- эҳсонлар қилиш йўли билан уларни ишлатиб, дор-уш-шифо ва дорихоналардан келадиган даромадлар билан ўз бойликларини орттирганлар”³

Тарихий асарларда келтирилишича, мадрасаларда таълим олаётган талабаларнинг барчаси маълумот даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинган ва ана шу гуруҳларга қараб степендия ва моддий таъминот ҳам оширилган. Шунингдек, тадқиқотларда мадрасада хизмат қилиш ва белгиланган кунларда машғулотларга қатнашиш мажбурий бўлиб, хизматчилар ва ўқувчиларнинг келиб-кетишини махсус кишилар ҳисобга олиб борган. Барча хизматчилар ва мадрасада таълим олувчиларнинг таъминоти пул ва маҳсулот (натурал) шаклида бўлиб, юқори гуруҳда ўқувчиларнинг ҳар қайсисига бир ойда 45 мис динор ва ҳар йили 25 динор ва йилига 30 манн ғалла берилган”⁴

¹Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи.- Т.: Академнашр,2017.- Б.75.

²Асророва Л. қ. Бухоро мадрасалари тарихидан.- Т.: ҳилол- нашр,2017. Б.10-11.

³Бекчанов И. ҳасанхожа Нисорий Музаққир аҳбоб тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти.- Т.: диссертатсия,1993.-Б. 38.

⁴кандохоров А. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти.- Т.: Тафаккур қаноти,- 2008.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, XVI асрда таълим муассасаларининг таъминот тизими ўрта асрларда қарор топган анъаналар асосида ривожланган. Бу соҳага деярли ўзгартиришлар киритилмаган. Мударрислар ва талабалар аввалгидек вақф мулкларидан тушадиган маблағлар ва давлат таъминоти орқали молиялаштирилган.

References:

1. Хофиз-и Таниш Бухори. Шарафнома-йи шахи (Книга шахской славы) / Введение, перевод, примечание, указатели М.А. Салахетдиновой. – М.: Наука, 1983. Ч.І. – 293 с.
2. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома (Шарифномаи шоҳий). 1-2 жилд. – Т., 1999-2000.
3. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. // Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, илмий муаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов – Т.: Шарқ, 1-китоб, 1999, 57, 92, 93, 135, 154, 194,199, 201, 203, 223, 243, 254, 255-бетлар.
4. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: - Ўқитувчи, 2001, 199-бет.
5. Тарихий манбашунослик. – Т.: “Фан”, 2006, 225-бет.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Ўқитувчи, 2008; Таворихи гузида – Нусрат-наме. // Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акрамова. Ташкент “Фан”, 1967; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1990;
7. Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдат ул-асар. ЎзР ФАШИ, Инв. № 608; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1990.